

**АЛИШЕР НАВОЙИ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН  
МИЛЛИЙ КУТУБХОНАСИ**

**МАДАНИЯТ: КЕЧА ВА БУГУН**

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН  
МИЛЛИЙ КУТУБХОНАСИ**

## **МАДАНИЯТ: КЕЧА ВА БУГУН**

*2010 йил – Маданиятларнинг яқинлашуви йили муносабати билан*

Методик-библиографик қўлланма

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси  
нашриёти

Тошкент – 2010

**78.342**

**М 14**

Илмий методика бўлими томонидан тайёрланди

Тузувчи                      Н. Алаутдинова  
Мухаррир                    Шукур Қурбон

Маданият: кеча ва бугун: 2010 йил – Маданиятларнинг яқинлашуви йили муносабати билан:Метод.-библиогр. қўлл. /Алишер Навоий ном. Ўзбекистон Миллий к-наси; Тузувчи Н.Алаутдинова; Мухаррир Шукур Қурбон.-Т.: Алишер Навоий ном. Ўзбекистон Миллий к-наси нашриёти, 2010.- б.

***КБК 78.342+63.3 – 7я1***

Ушбу методик-библиографик қўлланма БМТ томонидан 2010 йил – Маданиятларнинг яқинлашуви йили деб эълон қилинган муносабати билан тузилган. Қўлланмада маданият тушунчаси нимани англатади, миллатлараро алоқа маданияти ва маданият билан боғлиқ бошқа масалалар ёритилган, шунингдек, ахборот-кутубхона, ахборот-ресурс марказлари, кутубхоналарда ўтказилиши мумкин бўлган тадбирлар методикаси ва адабиётлар рўйхати берилган.

Қўлланмадан кутубхона мутахассислари ва кенг китобхонлар оммаси фойдаланиши мумкин.

**© Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон  
Миллий кутубхонаси нашриёти, 2010 йил**

## Сўз боши

Маданият, бу - инсонларнинг ижодий фаолияти туфайли яратилган моддий ва маънавий бойликлар мажмуигина бўлиб қолмай, айти пайтда у жамият тараққиётининг даражасини ҳам ифодалайди.

Ҳар бир халқ, этник гуруҳ ўзининг бетакрор маданий хусусиятларига эгадир. Тарихий ривожланиш босқичларида миллат сифатида шаклланаётган халқ бошқалардан тили, дини, урф-одатлари, анъаналари билан ажралиб туради.

Бироқ ҳеч қачон ҳеч қайси халқ, элат бошқа халқлардан узилиб, ўз ҳолича яшаган эмас, акс ҳолда ҳеч қандай тараққиёт бўлмаган бўлар эди. Энг қадимий ва антик даврларда узоқ масофаларни от-уловда босиб ўтиш анча мушкул бўлган вақтларда аждодларимиз Миср, Бобил, Марказий Греция, Покистон каби минтақалар билан алоқа қилган.

Ҳозирги кунда эса халқаро алоқалар жўғрофияси анчайин кенгайган. Ушбу алоқалар сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва, албатта, маданий соҳаларда ҳам кўзга ташланади. Бунга Самарқандда ўтказиб келинаётган “Шарқ тароналари” халқаро мусиқа фестивали ёрқин мисол бўла олади. Юртимиз вакиллари нафақат ушбу фестивалда, балки чет мамлакатларда ўтказилаётган маданий тадбирларда ҳам муносиб иштирок этиб келмоқдалар.

Шу ўринда “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармасининг фаолиятини қайд этиб ўтиш жоиз. Мазкур жамғарма чет мамлакатларда фестиваллар, концертлар кўргазмалар уюштириб, ўзбек маданиятини дунёга танитишга ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Республикамизда эса чет мамлакатларнинг ўз маданиятини танитиши учун етарлича имкониятлар яратилган. 140 дан ортиқ миллий-маданий марказларнинг фаолияти бу фикрни тасдиқлайди. Ушбу марказларда нафақат ўша миллатга мансуб бўлганлар, балки миллатимиз вакиллари ҳам бошқа халқлар маданияти билан яқиндан танишишлари мумкин. Бу ҳолат миллатларнинг бир-бирини тушунишига кўмак беради ҳамда

Ўзаро ҳамкорликни самарали, тенглик асосида олиб боришни таъминлайди.

Ахборот-кутубхона муассасалари ҳам маданиятларнинг яқинлашувига китобхонлар учун турли тадбирлар ўтказган ҳолда, ўз ҳиссасини қўшиши мумкин.

Мазкур тадбирларга чет эл дипломатик корпуси ва миллий-маданий марказлар вакиллари, журналистлар, ёзувчи ва шоирларни жалб этиш тавсия этилади.

## Маданият ҳақида

Маданият - жамият, инсон ижодий куч ва қобилиятлари тарихий тараққиётининг муайян даражаси. Кишилар ҳаёти ва фаолиятининг турли кўринишларида, шунингдек, улар яратадиган моддий ва маънавий бойликларда ифодаланади. “Маданият” тушунчаси муайян тарихий давр (антик маданият), конкрет жамият, элат ва миллат (Ўзбек маданияти), шунингдек, инсон фаолияти ёки турмушининг ўзига хос соҳалари (масалан, меҳнат маданияти, бадиий маданият, турмуш маданияти)ни изоҳлаш учун қўлланилади. Тор маънода “маданият” атамаси кишиларнинг фақат маънавий ҳаёти соҳасига нисбатан ишлатилади.

“Маданият” арабча мадина (шаҳар) сўзидан келиб чиққан. Араблар кишилар ҳаётини икки турга: бирини бадавий ёки саҳроий турмуш; иккинчисини маданий турмуш деб атаганлар. Бадавийлик - кўчманчи ҳолда дашту саҳроларда яшовчи халқларга, маданийлик - шаҳарда ўтроқ ҳолда яшаб, ўзига хос турмуш тарзига эга бўлган халқларга нисбатан ишлатилган.

Ўрта аср маданиятининг буюк намояндалари Абу Али ибн Сино, Беруний ва бошқалар шаҳар турмуш тарзини жамоанинг етуклик шакли сифатида талқин қилганлар. Масалан, Форобий фикрича, ҳар бир инсон ўз табиатига кўра, “олий даражадаги етукликка эришиш учун интилади”, бундай етукликка фақат шаҳар жамоаси орқалигина эришилади. Унинг таъкидлашича, “маданий жамият ва маданий шаҳар (ёки мамлакат) шундай бўладики, бу мамлакатда ҳар бир одам касб-ҳунарда озод, ҳамма баб-баравардир, кишилар ўртасида фарқ бўлмайди, ҳар ким ўзи истаган ёки танлаган касб-ҳунар билан шуғулланади. Одамлар чин маъноси билан озод яшайдилар”. Алишер Навоий етук ахлоқ, маърифатли ва адолатли жамият, жамоа масаласини қайд этиш билан бирга, маънавий юксакликка эришишнинг асосий мезони деб инсонпарварлик ғояларига мувофиқликни тушунди.

19 асрнинг иккинчи ярмида майдонга келган демократик-маърифатпарварлик ҳаракатининг намояндалари - Муқимий, Фурқат, Завқий, Аҳмад Дониш, Аваз Ўтар, Комил Хоразмий ва бошқалар халқни маданиятга қилишнинг омили илм-маърифатни

эгаллашда деб билдилар. Улар ўрта аср жаҳолатига қарши халқ ўртасида илм-маориф ва маданиятни эҳтирос билан тарғиб қилдилар. Масалан, Фурқат фикрича, илм-фан бир машъал бўлиб, инсониятнинг бахт-саодат йўлини ёритиб туриши керак.

19 асрнинг охири ва 20 асрнинг бошида Туркистонда вужудга келган жадиличлик ҳаракати намояндалари, Мунавварварқори Абдурашидхон ўғли, Маҳмудхўжа Бехбудий, Абдулла Авлоний, Абдурауф Фитрат, Садриддин Айний ва бошқалар ўзларининг маърифатпарварлик ишлари билан маданият ривожига муҳим ҳисса қўшдилар. Улар турли газета ва журналлар чиқардилар, нашриёт ва босмахоналар ташкил этдилар, кутубхоналар, театрлар, янгича мактаблар очдилар, ўтмиш маданиятимизни, тарихимизни тарғиб қилдилар, дунёвий билимларни чуқур эгаллашга даъват этдилар. Маърифатчиликнинг кенг қулоч ёйиши самараси ўларок, халқнинг умуммаданияти юксала борди.

Европада маданият дейилганда дастлаб инсоннинг табиатга кўрсатадиган мақсадга мувофиқ таъсири, шунингдек, инсонга таълим-тарбия бериш тушуниланган (лот. cultura - ерни ишлаш, парваришлаш; русчадаги “культура” сўзи ҳам шундан олинган). Маданият мавжуд мезон ва урф-одатларга риоя қилиш қобилиятини ривожлантиришни эмас, балки уларга риоя қилиш истагини рағбатлантиришни ҳам ўз ичига олган. Маданиятга бундай икки ёқлама ёндашув ҳар қандай жамиятга хос (масалан, Қадимги Хитойда жэнь, Ҳиндистонда дхарма). Эллилар “маданиятсиз” варварлардан ўзларининг асосий фарқини “пайдей”, яъни “тарбияланганликда” деб билганлар. Қадимги Римнинг сўнгги даврларида “маданият” тушунчаси ижтимоий ҳаётнинг шаҳар турмуш тарзини ифодаловчи мазмунлар билан ҳам бойиган ва ўрта асрларга келиб тарқалган. Бу тушунча кейинчалик келиб чиққан *цивилизация* тушунчасига яқин туради.

Европада *Маърифатчилик* даврида маданият ва цивилизациянинг “танқиди” вужудга келди (Ж. Ж. Руссо). Бундай “маданият” миллатларнинг бузилганлиги ва ахлоқий тубанлашганлигига тараққиётнинг патриархал босқичида бўлган халқлар ахлоқининг соддалиги ва софлиги қарши қўйилди.

Немис файласуфлари бу зиддиятли ҳолатдан чиқишнинг йўлини “руҳ” доирасидан, ахлоқий (И. Кант), эстетик (Ф. Шиллер ва романтиклар) ёки фалсафий (Г. Гегель) онг доирасидан қидирдилар. Улар бу онг соҳаларини ҳақиқий маданият ва инсон тараққиётининг омиллари деб билдилар. 19 асрнинг охиридан бошлаб “локал цивилизация” (О. Шпенглер) деган қараш юзага келди. Бу ғоя цивилизацияни муайян жамият тараққиётининг сўнгги босқичи сифатида олиб қаради.

Фан-техника тараққий топган шароитда кўпгина социологлар ва маданиятшунослар маданиятнинг ягона ғоясини изчил амалга ошириш мумкин эмас, деган қоидани илгари сурдилар. Бу полицентризм, Ғарб билан Шарқнинг азалдан қарама-қаршилиги ва ижтимоий тараққиётнинг бошқа умумий қонуларини инкор этувчи назарияларида ўз ифодасини топди.

Маданиятнинг илмий, тарихий концепцияларига қарама-қарши ўлароқ, марксистик назария ижтимоий-иқтисодий формациялар ҳақидаги ишлаб чиқарувчи кучлар билан ишлаб чиқариш муносабатларининг ўзаро муносабати ҳақидаги қоидалардан келиб чиқиб, антогонистик жамият вакиллари маданиятнинг синфий характери ҳақидаги қоидаларни илгари сурди. Ҳар бир миллий маданиятда икки маданият борлиги ҳақидаги қараш “ҳукмрон эксплуататорлик” маданиятига “прогрессив демократик” ва “социалистик” маданият элементларини қарама-қарши қўйди. Ана шу қоидадан келиб чиқиб, мустабид совет тузуми даврида амалга оширилган “маданий инқилоб” натижасида кўпгина халқлар маданиятининг ажойиб дурдоналари йўқ қилиниб, маданий мероснинг миллий илдизлари барбод этилди.

Ҳар бир миллий маданиятнинг асосий қисмини шу миллат ўзи яратган бўлса-да, унда жаҳон халқлари яратган умуминсоний маданиятнинг улуши ва таъсири бўлади, албатта. Маданият ҳеч қачон синфий ҳодиса бўла олмайди. У барчага баравар хизмат қилади. Масалан, санъат ва адабиёт дурдоналари, меъморлик обидалари, мақомлар, фан ютуқлари ва бошқалар барчага тегишлидир.

Маданият кишилар фаолиятининг фақат моддий натижалари (машиналар, техник иншоотлар, санъат асарлари, ахлоқ нормалари ва ҳ.к.) ни эмас, шу билан бирга, кишиларнинг меҳнат жараёнида воқе бўладиган субъектив куч-қувватлари ва қобилиятлари, билим ва кўникмалари. Шунингдек, ишлаб чиқариш ва профессионал малакалари, интеллектуал, эстетик ва ахлоқий камолоти, дунёқараши, уларнинг жамоа ва жамият доирасидаги ўзаро муомалаларини ҳам ўз ичига олади.

Ишлаб чиқаришнинг 2 асосий турига қараб, маданият моддий ва маънавий маданиятга бўлинади. Моддий маданият моддий фаолиятнинг барча соҳаларини ҳамда унинг натижалари (меҳнат қуроллари, турар жой, кундалик турмуш буюмлари, кийим-кечак, транспорт, алоқа воситалари ва бошқалар) ни ўз ичига олади. Маънавий маданиятга онг, билим, ахлоқ, таълим-тарбия, ҳуқуқ, фалсафа, этика, эстетика, фан, санъат, адабиёт, мифология, дин ва бошқа киради.

Ҳар бир жамият ўз маданият типига эга. Жамиятларнинг алмашилиши билан маданият типи ҳам ўзгаради, бироқ бу ҳол маданият тараққиёти узилиб қолганини, маданий мерос, ўтмиш қадриятлардан воз кечилганини англатмайди. Зотан, ҳар бир янги жамият ўзидан илгариги жамиятнинг маданий ютуқларини зарурий равишда мерос қилиб олади ва уларни ижимоий муносабатларнинг янги тизимига киритади.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида бўлганидек, маданият соҳасида ҳам туб ўзгаришлар юз берди. Шаклан ҳам, мазмунан ҳам маданиятнинг ривожланиши учун кенг имкониятлар яратилди. Ўзбекистоннинг мустақил ривожланишга ўтиши миллий маданиятга синфий ёндашишдан, уни сунъий тарзда “ягона умуммаданиятга” айланишдан саклаб қолди. Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, мустақилликкача бўлган сўнгги етмиш йил давомида маданият ҳукмрон мафкура, мустабид тузум таъйикида Ғарб маданиятига тақлид руҳида ривожланди. Иккинчидан, миллий маданиятнинг бой ўтмиши бир ёқлама ўрганилиб, унинг кўпгина бебаҳо дурдоналаридан халқимиз бебаҳра бўлиб келди. Ўзбекистон Республикасида мустақиллик

йилларида жамиятни янгилаш соҳасида олиб борилаётган ислохотлар билан бир қаторда маданиятни юксалтиришга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Халқимизнинг маънавий қадриятларига ҳурмат билан муносабатда бўлиш, уларни асраб-авайлаш ва ривожлантириш, муқаддас динимиз, урф-одатларимизни, тарихий, илмий, маданий меросимизни тиклаш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. “Давлаат тили тўғрисида”ги (1989 й. 21 окт.) қонун, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” (1997 й. 29 авг.) нинг қабул қилиниши, Ўзбекистон Бадиий Академияси (1997 й.), Ўзбекистон давлат консерваторияси (2002 й.), Ўзбек миллий академик драма театри (2002 й.), эстрада мусиқасини ривожлантириш тўғрисидаги ва бошқа бир қанча қарор ва фармонларнинг қабул қилиниши, бир қанча мутафаккир ва алломаларимизнинг муқаддас номлари тикланиб, юбилейлари халқаро миқёсда кенг нишонланаётгани давлатимиз томонидан маданиятни ривожлантиришга кўрсатилаётган ғамхўрликнинг амалий ифодасидир.

## **Миллатлараро алоқа маданияти**

### **I қисм**

Миллатлараро алоқа маданияти, ҳар қандай маданият сингари, миллатлараро муносабатларни ва, умуман, ижтимоий муносабатларни такомиллаштиришга ёрдам берувчи миллатлараро алоқани мустаҳкамлаш ҳақидаги билимлар, малака ва кўникмаларнинг мавжудлигини назарда тутди. Миллий маданият ва миллатлараро муносабатларнинг, бинобарин, ижтимоий муносабатларнинг ҳам ажралмас бир қисми бўлган миллатлараро алоқа маданияти миллатлар ва элатларнинг ўзаро бир-бири билан боғлиқ манфаатларини ўхшаш тарзда англаш ва ўз-ўзини англаш сифатида намоён бўлади. Иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва маънавий ҳаёт жараёнида тенг ҳуқуқлилик, ўзаро ёрдам, ижтимоий адолат тамойиллари асосида ҳар бир миллат, ҳар бир элатнинг кўп миллатли жамият ва дунё ҳамжамиятининг фаровонлиги йўлида уларни амалга оширишига ёрдам беради.

Миллатлараро алоқа маданияти иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий ва маънавий асосларга эгадир. Бунинг маъноси шуки, мазкур асосларнинг аҳволи, уларнинг ўзаро алоқалари, ўзаро боғлиқлиги ва ўзаро таъсири миллатлараро алоқа маданиятининг хусусияти, мазмуни ва йўналишини тақозо этади.

Собиқ СССРда мазкур асосларнинг қўпол равишда бузилиши, табиийки, кўп йиллар мобайнида миллатлараро муносабатларда ва уларнинг маданиятида акс этди.

Сталин шахсига сиғиниш ва миллий сиёсат соҳасидаги ўзбошимчаликлар, хусусан, иттифоқдош республикалар суверенитетининг шафқатсизлик билан чекланишида, бир қатор халқларнинг қувғин қилинишида намоён бўлди.

Давлатни бошқаришда демократияга йўл бермайдиган марказлаштириш, шунингдек, сиёсатда, режалаштиришда, ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштириш ва ишлаб чиқариш потенциални вужудга келтиришда йўл қўйилган қўпол хатолар собиқ СССРдаги миллатлар ва элатларнинг ҳақиқий тенглигига олиб келмади. Натижада иттифоқдош республикаларнинг ва автоном тузилмаларнинг иқтисодий, ижтимоий ва маданий ривожланишида кескин тафовутлар юзага келди.

Бу айтиб ўтилган сабаблар, шунингдек, миллатлараро муносабатлар соҳасидаги зиддиятларни яширишга, хаспўшлашга интилиш, жаҳон афкор оммаси кўз ўнгида яхшироқ кўринишга уриниш айрим минтақаларда бир қатор хавфли ва оловли нуқталарнинг пайдо бўлишига олиб келди. Бундай аҳволнинг чуқурлашувига миллатлараро муносабатлар соҳасида азалий ва янги вужудга келган зиддиятларни (масалан, Болтиқбўйида, Кавказортида) ҳақиқий аҳволни ҳисобга олмасдан туриб, уқувсизлик билан чала-ярим, энг муҳими эса, етарли даражада асосланмаган ҳолда ҳал этишга уринишлар сабаб бўлди.

Маъмурий буйруқбозлик тузумининг чинакам демократик ва инсонпарварлик билан ҳеч қандай алоқаси йўқ бўлиб, у, асосан, ўзи ва, аввало, ўзининг юқори табақадан иборат маркази учун ишлади, минтақаларнинг ривожланиш жараёнини, бинобарин,

миллатлараро муносабатлар ва уларнинг миллий маданиятларининг раўнақига салбий таъсир қилди. Бу айтилган гаплар собиқ Ўзбекистон ССРга, бутун Ўрта Осиё минтақасига ҳам тўла-тўқис тааллуқлидир. Бу минтақа “қудратли” ва ўзбошимча Марказ томонидан “шўро империяси”нинг аграр-хом ашё манбаи сифатида қараб келинди.

Ўрта Осиё собиқ СССР даврида асосан пахта хом ашёси ишлаб чиқарувчи минтақа эди, йигирув, тўқувчилик фабрикалари ва комбинатлари эса пахта етиштирувчи республикалардан ташқарида, улардан минглаб чақирим нарида қурилган эди. Бунинг устига, иккинчи жаҳон уруши йилларида Россия марказий шаҳарларидан Тошкент, Чирчиқ, Олмалик, Ангрен, Бекобод, Навоий шаҳарларига ишчилар синфи вакиллари жалб қилинган. Бундай миллий сиёсат, табиийки, Республиканинг номини билдириб турувчи миллатнинг ижтимоий-сиёсий тузилиши замонавий тарзда ривожланишига имкон бермади. Айтиб ўтилган усулда ўзбек халқининг қобилиятлари ва имкониятларига ишонмаслик, уларга етарли баҳо бермасликнинг кўпгина аломатлари бор эди. Бундан ташқари собиқ Иттифоқдаги барча миллатлар ва элатлар тенглиги ҳамда эркинлигининг демократик нормаларини поймол қилди.

Кўп миллатли давлатда барча миллатлар ва элатларнинг илмий, маданий ва тарихий меросига, миллий маданиятларни, миллий тилларни ривожлантиришга эҳтиёткорлик ва сезгирлик билан муносабатда бўлиш зарур. Бироқ бу талаб собиқ Иттифоқда доимий равишда бузиб келинди. Аҳвол шу даражага бориб етдики, турли миллатларнинг миллий анъаналар, урф-одатлар, маросимларини ҳимоя қилган олим ва санъаткорлардан иборат зиёлилар вакиллари ўтмишни идеаллаштиришда айбланди, уларга “миллатчилар” деган ёрликлар ёпиштирилди, кўпинча халқларнинг миллий ғурурига хос ҳис-туйғулари фақат камситилиб қолмасдан, уларнинг атоқли намояндаларига нисбатан қатағон қилиш чоралари қўлланилди.

Мустабид жамиятда миллатлараро муносабатлар ва улар маданиятининг зиддиятли ривожланиши бир қатор

минтақаларда (Россия ва Чеченистон, Тоғли Қорабоғ ва бошқа жойларда) салбий тамойил ва ҳодисалар сифатида намоён бўлди. Миллатлараро низоларга, зиддиятларга нималар сабаб бўлганлигидан қатъи назар, уларга барҳам беришнинг қийинчиликлари кўп жиҳатдан миллатлараро муносабатлар маданиятининг етарли даражада ривожланмаганлиги оқибатидир, деб қатъий айтиш мумкин. Шу билан бирга, фактлар, ҳозирги кунларимиз тарихи шундан далолат берадики, давлат сиёсати, ҳуқуқий ва иқтисодий омиллар миллатлараро алоқа маданияти талабларига зид равишда эмас, балки уларга мувофиқ ҳаракат қилинган тақдирдагина жанжалли вазиятларни бартараф этишга, улардан қутулишга имкон яратади. Яъни миллатлараро масалаларни ва барча даражадаги муаммоларни ҳал қилишда барча ижтимоий институтларда, тузилмаларда, ҳамма соҳаларда хушмуомалалик, хайрихоҳлик, тушуниш, ён бериш, ўзаро ҳурмат ва бир-бирини англаш, сабр-тоқат ва ақл-идрок намоён бўлгандагина умид туғилади.

Бироқ шуни қайд этиб ўтишга тўғри келадики, умуман ва яхлит ҳолда олганда, миллатлараро алоқа маданияти умуминсоний қадриятлар асосида миллатлар ва элатларнинг илғор кучларини бирлаштиришга кўмак берадиган талабларнинг бажарилишидан орқада қолади. Хўш, бу орқада қолишнинг сабаблари нималардан иборат?

Энг асосий ва умумий сабаб, юқорида айтиб ўтилганидек, кўп йил ҳукмронлик қилган маъмурий-буйруқбозлик тизимининг оғир оқибати бўлиб, у ижтимоий, шу жумладан, миллатлараро муносабатларнинг негизларига путур етказди. Шу муносабат билан бутун-бутун халқлар тузумнинг қаҳр-ғазабига учраб, ўзларининг қадр-қиммати ва ор-номуси учун асосий нарса бўлган ўз ерида яшаш ҳуқуқидан маҳрум этилган даврларни, халқлар “қатта” ва “кичик” биродарларга бўлинган, айна вақтда эса барчанинг тенглиги тантанали равишда эълон қилинган замонларни эслаш кифоя. Ўша вақтларда кадрлар сиёсатининг кўпинча, умуман, тенглик ва адолат тамойиллари билан ҳеч бир алоқаси йўқ эди. Айрим кишилар кўп ҳолларда эса, бутун-бутун халқлар собиқ Иттифоқнинг сиёсий ҳаётида

иштирок этиш имкониятидан ҳақиқатда маҳрум этилган эди. Ўзаро маданий айирбошлашнинг, умуман, ҳаётий шакли бўлган адабиёт ва санъат фестиваллари кўпинча расмиятчилик учун ўтказиларди, лекин ҳар гал юзаки, дабдабали, чекланган миқдордаги иштирокчилар билан уюштириларди.

Бироқ бу ва шунга ўхшаш тадбирлар миллатлараро муносабатларни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, уларнинг маданиятини шакллантириш учун, умуман, ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас эди, дейиш унчалик тўғри ва адолатли бўлмасди. Шу билан бирга, бундай тадбирларнинг баландпарвозлиги, мафкуралаштирилганлиги ва ҳаддан ташқари ташкилий ишлар билан кўмиб ташланганлиги халқларнинг ўзаро бир-бирини билиб олиш, миллатлараро муносабатларнинг субъектлари бўлган ўзларини англаб етишлари учун кенг имкониятлар очиб бермасди. Кўрсатиб ўтилган сабаблар туфайли бу тадбирлар миллатлар, элатлар миқёсида миллатлараро алоқа маданиятига бўлган эҳтиёжларни, шу соҳадаги кўникма ва малакаларни ҳосил қилиш, уни ҳар бир халқнинг ўз вазифалари ва муаммоларини, шунингдек, умумий вазифалар ва муаммоларни ҳал қилишнинг муҳим омили сифатида англаб етиш маъносида чекланган аҳамиятга эга эди.

Жаҳон тажрибасини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, ижтимоий-сиёсий, маънавий ва маданий омиллар иқтисодий тараққиётда муҳим роль ўйнайди. Унга етарли баҳо бермаслик тўғри бўлмайди, чунки бу сабаблар ва омиллар муайян шароитларда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлиши мумкин.

Агар қонунларга ва адолатга, бошқа ижтимоий ва ахлоқий кадриятларга сўзсиз риоя қилинса, миллатлараро алоқа маданияти шаклланиши ва ривожланиши мумкин. Агар у ёки бу халқлар ва элатларнинг вакиллари ўзларини бошқа халқларнинг аҳволи, мавқеи, тақдири учун, айниқса, бугунги кунда ёрдам ва қўллаб-қувватлашга, мухтож бўлган оз сонли халқлар учун жавобгар деб ҳисобласалар, агар ҳар бир халқ бошқа халқнинг мустақиллигини ҳурмат қилса, агар бир хил халқлар ўз манфаатларини ва бошқа халқлар манфаатларини бир хил деб билсалар ва шундай деб билишни истасалар, кўп томонлама

Ўзаро алоқаларни, биргаликдаги мувофиқлаштирувчи саъй-ҳаракатларни зарур деб ҳисобласалар, уларни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш имкониятларини қидириб топсалар миллатлараро алоқа маданияти шаклланиши ва ривожланиши мумкин.

Миллатлараро алоқа маданияти ҳар бир миллат ва элатнинг ўз вазифалари ва бурчини англаб етишини назарда тутди. Бу вазифалар ва бурч кўп миллатли муҳитда ҳаёт кечириш, шу жумладан ўзининг муносабатларига, малака ва кўникмаларига, мулоқот олиб бориш эҳтиёжига талабчанлик билан қараш зарурлиги, яъни бир-бирини тинглаш, тушуниш, шунингдек, кўп йиллар мобайнида тўпланиб қолган муаммоларни сабр-тоқат билан ўзаро маслаҳатлашиб ҳар қайси томон манфаатларини ҳисобга олган ҳолда, босқичма-босқич ижобий ҳал қилишга интилишни тақозо этади.

## II қисм

Кейинги вақтда миллий ҳаракатлар ҳозирги кунда миллатлар ва элатлар миллий ўзлигини англашнинг оқибатидир, деган фикр кенг тарқалган. Агар миллий ҳаракатлар шу қадар мураккаб ва зиддиятли ривожланиб бормаганда, бу фикрга қўшилиш мумкин эди.

Бундан миллатлараро алоқа маданияти муаммосини таҳлил қилишга худди шундай ёндашиш, яъни бир томондан, бошқа ҳодисалар билан боғланишни, иккинчи томондан, миллатлараро алоқа маданиятининг мазмуни, тузилиши, унда миллат ёки элатнинг ўзлигини англашнинг тутган ўрнини тўлиқ ҳисобга оладиган ёндашишнинг зарурлиги келиб чиқади.

Бундай ёндашиш шунинг учун ҳам зарурки, ҳам оддий даражадаги, ҳам назарий онг даражасидаги миллий ўзликни англашни тушунишда йўл қўйиб бўлмайдиган даражадаги ўта соддалаштириш намоён бўлмоқда. Миллий ўзликни англаш кўпинча фақат ўз миллатига ҳамма соҳада ва ҳамма учун идеал, ноёб миллат сифатида муносабатда бўлиш деб талқин қилинмоқда. Ҳолбуки ушбу муаммони тадқиқ этишнинг

кўрсатишича, миллий ўзликни англаш мазкур миллат, элатнинг бошқа миллатлар ва элатларнинг ўзга миллатга, элатга муносабатларининг акс этиши ва унга баҳо бериши сифатида намоён бўлади. Шу нарсанинг ўзиёқ миллий ўзликни англашнинг миллатлараро муносабатлар хусусияти ва уларнинг маданиятига, жамият асосларига ҳамда миллатлар ва элатларнинг миллий ўзлигини англашга, унинг бир-бири билан маълум даражада ўзаро таъсирга киришувчи таркибий қисмларига боғлиқлигининг мураккаб занжиридан иборат эканлигини кўрсатади.

Шу нуқтаи назардан қараганда, “миллий ўзликни англаш” тушунчасини ана шундай талқин қилиш, яъни миллат (элат)нинг ўз-ўзини реал мавжуд бўлган субъект сифатида, муайян моддий ва маънавий бойликларнинг ташувчиси сифатида билиши онг орқали унинг этник бирликка, давлатга (ҳам тор, ҳам кенг маънодаги давлатга), тилга, маданиятга, анъаналарга мансублиги шак-шубҳасиз бўлиб туюлади. Мазкур нуқтаи назарнинг бир томонламалиги шунда кўринадики, миллий ўзликни англаш миллатлараро муносабатлар, истиқболлар ва умуман уларнинг ижтимоий тараққиётда бу жараёнларнинг миллатлараро алоқа маданиятининг ҳолатига боғлиқлигини ҳисобга олмасдан туриб қараб чиқилади.

Бизнинг миллий ўзликни англаш муаммоларига қизиқишимиз - халқларнинг миллатлараро алоқа маданияти мазмуни, тузилишида тутган ўрни ва аҳамиятини ҳисобга олиш билан боғлиқдир. Бунда биз миллатлар ва элатларнинг миллий ўзлигини англашни уларнинг ўз-ўзига ижтимоий-тарихий тажрибанинг, хусусан, миллатлараро муносабатларнинг субъектлари сифатида қарашининг ўзига хос ифодаси деб ҳисоблаймиз.

Хўш, миллатлараро алоқа маданиятининг мазмуни, унинг тузилиши нимадан иборат? Аввало, шунини таъкидлаш керакки, миллатлараро алоқа маданияти миллатлар ва элатларнинг асло миллий ўзлигини англашидан иборат эмас, миллий ўзликни англаш миллат ва элатнинг ўз-ўзини миллатлараро муносабатларнинг реал мавжуд бўлган субъекти деб ҳисоблаш

билан тугамайди. Миллатлараро алоқа маданиятининг мазмуни ва тегишли равишда тузилиши ўзига кўпдан-кўп элементларни қамраб олади, биз улардан ўзак сифатида қайд этиб ўтилган миллий ўзликни англашдан ташқари, қуйидагиларни ажратиб кўрсатамиз:

- миллатлар, элатлар, ирқларнинг ўзаро бир-бирини ҳурмат қилишини;
- ҳар бир миллат ва элатнинг турли тилларини қўллаб-қувватлаш, ривожлантиришни;
- тарихни;
- миллий урф-одатлар ва маросимларни;
- миллий маданиятлар (адабиёт, муסיқа, халқ амалий, тасвирий, меъморчилик, театр-драматик, миллий ашула ва рақс санъатлари ва шу каби санъатлар) ни;
- миллий турмушни (турмуш тарзи, миллий анжомлар, кийимлар, анъаналар, оилавий-маиший муносабатларнинг ўзига хос хусусиятларини);
- турли динларнинг урф-одатларини, умумий ва ўзига хос томонларни;
- миллий феъл-атвор хусусиятларини;
- миллий ўзликни англашни.

Миллатлараро алоқа маданияти ҳар қандай маданият каби билиш функциясига эгадир. Бу ўринда унинг салмоғи тарихий ва маданий ривожланишга, ўсишга мойил эканлигини намоён қилади. Миллатлараро алоқа маданиятининг барча субъектлари ўз она тилига эгадир. Шунинг учун ҳам, бошқа миллатнинг (элатнинг) тилига ўзаро ҳурмат билан қараш, уни ўрганиш керак. Шу нарсани қайд қилиш лозимки, биринчидан, бундай энг оддий билиш - миллатлараро алоқа маданиятининг зарур, энг муҳим шарти бўлиб, миллий ўзликни англашдан ажралмасдир, иккинчидан, миллий ўзликни англаш мазкур билимни бойитади ва ривожлантиради.

Худди шунингдек, ўз халқининг ва бошқа халқларнинг тарихини, миллий урф-одатлари, маросимлари, миллий маданиятлари, миллий турмуши, турли диний эътиқодлар, миллий характери, миллий ўзликни англашни билиш ниҳоятда

муҳим ва зарурий ҳодисадир. Бундай ёндашув жуда муҳим қонуниятни, яъни умумий маданият билан миллатлараро алоқа маданиятининг ўзаро боғлиқлигини тасдиқловчи катта бир омилдир. Билимлар қанчалик тўлиқ, ҳар томонлама, аниқ, бидъатлардан холи, сохта қарашлардан, янглишувлар ва шу кабилардан халос бўлса, ҳар бир миллат (элат) нинг миллий ўзлигини англаш даражаси шунчалик юқори, унинг миллатлараро алоқа маданияти даражаси шунчалик юксак бўлади, яъни мазкур миллат (элат) бошқа миллатлар (элатлар) билан мулоқот қилишга, ўз манфаатлари ҳамда барча миллатлар (элатлар) учун умумий бўлган манфаатлар йўлида ҳамкорлик қилишга шунчалик кўпроқ тайёр бўлади.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, у ёки бу миллат ва элатнинг алоҳида ажралиб туришлик, айирмачилик кайфиятлари ва нуқтаи назарлари, ўз манфаатларини бошқа миллатлар (элатлар) манфаатларига қарама-қарши қўйишга шу миллатлар (элатлар) учун ҳам, бутун дунё ҳамжамияти учун ҳам салбий ҳолатларга олиб келиши мумкин. Бундан ташқари, яна бир муҳим ҳолатга эътиборни қаратиш лозимки, миллатлараро алоқа маданиятининг паст даражада бўлганлиги табиий равишда ўз манфаатларини бир томонлама тушунишга, бошқа миллатлар (элатлар)нинг манфаатлари билан ҳисоблашмасликка ва бошқа нуқсонларга олиб келиши шубҳасиздир. Бу ҳодиса эса ўз навбатида миллий экстремизмни туғдириши мумкин. Миллий экстремизмнинг асосий белгилари - тоқатсизлик, ишонтириш эмас, балки кўрқитишга ҳаракат қилиш, миллатлараро муносабатлар муаммоларини ҳал қилишда қонун билан ҳам, ахлоқий меъёрлар билан ҳам ҳисоблашмасдан, ўз қарашларини, ўз иродасини зўрлаб тикиштиришдан иборатдир. Миллий экстремизмга хос бўлган белгилар эса миллат ва элатларнинг ўзлигини англашида уларнинг мақсадларига эришув йўлини боши берк кўчага олиб кириши ва, энг даҳшатлиси, қонли тўқнашувларга олиб келиши мумкинлигини тушунмасликдан иборатдир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ўзининг “Ўзбекистон буюк келажак сари” асарида

таъкидлаганидек, “...Марказий Осиёнинг бир халқини бошқасига қарама-қарши қўйиш, миллий устунлик мавжудлиги тўғрисидаги афсоналарни тарқатиш йўлидаги ҳар қандай уринишларнинг олдини олиш лозим. Ҳолбуки, ҳам минтақадаги, ҳам чет элдаги баъзи масъулиятсиз, калтабин ва кибру ҳавога берилган сиёсий арбоблар ана шундай ҳаракатларни содир этмоқдалар. Бундай уринишлар қандай баҳоналар билан ниқболанмасин, улар фақат минтақадаги фуқаролар тинчлигини ва минтақалараро тотувликни жиддий бузишгагина хизмат қилади, холос. Бу ҳол нималарга олиб келиши мумкинлигини собиқ Югославия, Тоғли Қорабоғ ва бошқа кўп миллатли мамлакатлардаги фожиали воқеалар кўрсатиб турибди. Афсуски, бизнинг ўзимиз ҳам бу соҳада аччиқ тажрибага эгамиз. Ўшанда айрим экстремистик кайфиятдаги гуруҳлар сал бўлмаса одамларнинг миллатлараро тўқнашувини ва қарама-қаршилигини келтириб чиқараётган эди. Бахтимизга ўзбек халқига хос ақли расолик, донолик, инсонпарварлик ва бағри кенглик ана шундай гуруҳларнинг манфаатларидан устун чиқди, экстремизм йўлида қудратли тўсиқ бўлди”<sup>1</sup>.

Дарҳақиқат, тарих тақозоси билан Марказий Осиёдаги давлатлар: Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркманистон, Тожикистонда аҳолининг таркиби азал-азалдан кўп миллатли, кўп элатли бўлганлигини ҳисобга олган ҳолда, у ҳудудда тинчлик-осойишталик, миллат ва элатларнинг ўзаро ёрдам, тотув, ҳамкорлик муносабатларини ўрнатиш муҳим, ҳам сиёсий, ҳам амалий аҳамиятга эгадир. Шу боис бу давлатлар миллий сиёсатни ниҳоятда чуқур, атрофлича ўйлаб олиб боришлари, пишиқ ва етук миллий сиёсат концепциясини ишлаб чиқишлари ва уни ҳаётга тадбиқ этишлари ўта муҳим ва зарурдир. Бу борада Марказий Осиё халқларининг: ўзбеклар, қозоқлар, қирғизлар, туркманлар ва тожикларнинг урф-одатлари, миллий анъаналари, тарихий-жуғрофий шарт-шароитлари, миллий феъл-атворлари ва ҳоказо хусусиятларини ҳисобга олиш у концепцияни ҳаётда барча миллат ва элатлар

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари.- Т.:Ўзбекистон, 1998.- Б.447-478.

қўллаб-қувватлашларининг, ҳар бир миллат, ҳар бир элат вакилларида миллий мулоқот, миллий муносабат маданиятини шакллантиришнинг муҳим ижтимоий-сиёсий негизини, асосини ташкил этади. Бу ўринда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг юқорида қайд этилган асарида баён этилган қуйидаги ниҳоятда тўғри ва доно фикрлари алоҳида эътиборга ва диққатга лойиқдир:

“Оғир синов йилларида, урушлар ва Сталин қатағонлари даврида Ўзбекистон ҳудудига келиб қолган айрим кишилар, оилалар, ҳатто бутун-бутун халқларни ҳам қуршаб олган илиқ муносабат, самимият ва ғамхўрлик, ўзбек халқига хос бўлган бағрикенглик, инсоний меҳрибонлик ва ўзгалар қайғусига шерик бўлиш, очикқўнгиллик ва меҳмондўстликнинг ёрқин намоёниши бўлди.

Ўзбеклар қийинчилик йилларида ўзлари емай, болаларига едириб-ичирмай, мутлақо бегона, аммо ёрдамга муҳтож одамлар билан топганларини баҳам кўрдилар. Ўша оғир йилларда турли миллатларга мансуб бир эмас, ўнлаб етим болалар, шундоқ ҳам кўп болали ўзбек оилаларида, янги ота-она орттирдилар, ота ва она меҳрига қондилар. Бутун бир халқ ана шундай юксак олижаноблик ва маънавий фазилатларни намоёниш этганлиги ҳақидаги мисоллар тарихда ҳам топилади.

Ўзбекистон ўз тарихида ана шундай саҳифалар бўлганлиги ва ҳозир ҳам борлиги билан фахрланади. Халқимиз ва давлатимизнинг тарихий хотирасида антисемитизм, ирқчилик ва ўзга миллатга, ўзга халққа менсимасдан, ҳурматсизларча муносабатнинг бошқа шакллари намоён бўлган шармандали саҳифалар йўқлиги билан фахрланади”<sup>1</sup>.

Зеро мустақиллик туфайли жамиятда демократик кадриятлар қарор топиб, кишилар тафаккурида миллий ўзликни англаш туйғуси, маънавий меросга муҳаббат ҳисси ривожланиб ўсиб бормоқда. Шу билан биргаликда давлатимизнинг миллий сиёсати ҳам республикадаги барча халқлар, элатларнинг манфаатларини уйғунлаштиришга қаратилгандир.

---

<sup>1</sup> Каримов И. Ўзбекистон буюк келажак сари.- Т.: Ўзбекистон, 1998,Б. 478-479 .

Амалий тажриба шундан далолат берадики, миллат манфаатларини объектив равишда ҳисобга олмасдан туриб миллатлараро алоқа маданияти бўлиши мумкин эмас. Миллатлараро муносабатларда манфаат ўзаро келишувнинг энг муҳим омили бўлиб келди, шундай бўлиб қолмоқда, бундан кейин ҳам шундай бўлади.

Турли миллатлар ва элатлар манфаатларининг мувозанатига риоя қилиш жараёни миллатларо алоқа маданиятининг ривожланишини, ҳаётнинг турли соҳаларида миллатлар ва элатларнинг ўзаро алоқалари ва ўзаро ёрдам кўрсатишини мустаҳкамлашни тақозо этади. Шунингдек, бу ҳол турли даражадаги миллатлараро алоқаларга бўлган эҳтиёжларнинг ўсишини рағбатлантиради. Мамнуният билан шуни қайд этиш лозимки, бизнинг назаримизда республикаимиз турли миллат ва элатлари вакиллари миллий ўзлигини англаш ва миллатлараро алоқа маданиятининг юқори даражасини намоён қилдилар. Ўзбекистоннинг давлат тили тўғрисидаги Қонун лойиҳасини муҳокама қилиш чоғида ўзбек тилига давлат тили мақомини беришни ёқлаб чиқдилар. Республика парламенти ҳам миллий ўзликни англашни қўллаб-қуватлаш билан бирга республикадаги барча миллат ва элат вакиллари тилларини тенг ривожлантиришга қаратилган қонунни қабул қилди.

Бир сўз билан айтганда, миллатлараро алоқа маданияти инсоннинг бутун ҳаёти мобайнида шахслараро ва миллатлараро муносабатлар жараёнида турли-туман миллий урф-одатлар, маросимлар, удумларга риоя қилиш жараёнида шаклланади ва ривожланади.

### **Дўстлик, тинчлик ва эзгулик йўлида**

*(Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари Кенгаши фаолияти ҳақида)*

Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маъданий-маърифий алоқалар жамиятлари Кенгаши оммавий кўнгилли жамоат ташкилоти ҳисобланиб, у 1997 йил 15 майда таъсис этилган. Чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқаларни замон талаблари асосида ривожлантириш,

Ўзбекистон ҳаётининг турли жабҳаларида эришилаётган ютуқларни чет элларда кенг тарғиб қилиш, хорижий мамлакатлар жамоатчилигини ҳалқимизнинг бой тарихи, маданияти, адабиёти ва санъати билан мунтазам таништириб бориш, халқ дипломатияси имкониятларидан кенгроқ фойдаланиш Кенгашнинг асосий вазифасидир.

Ўзбекистоннинг хорижий давлатлар билан ўрнатган дўстлик ва маданий-маърифий алоқалари тарихи 20-асрнинг 20-йиллари охирида бошланган. Ўшанда Тошкент шаҳрида Чет мамлакатлар билан маданий алоқалар жамиятининг Ўрта Осиё бўлими ташкил топган. У 1947 йилдан «Ўзбекистон бўлими», 1953 йилдан эса «Ўзбекистон жамияти» деб атала бошлади. Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейин бу жамият моҳиятан ва шаклан ўзгарди. Чет мамлакатлар билан узилиб қолган алоқалар тикланди. Ўзбекистон учун сиёсий, иқтисодий, маданий ва тарихий нуқтаи назардаи устувор аҳамиятга эга бўлган давлатлар билан дўстлик алоқалари ўрнатилди. Кенгаш қошида 36 хорижий мамлакат билан дўстлик жамиятлари фаолият юритади.

Ҳозирги кунда Кенгашнинг халқаро ташкилотлар билан дўстона муносабатлари кенгайиб бораётир. Чет элларда бир қатор давлат ва жамоат ташкилотлари билан шерикчилик муносабатлари ўрнатилган, ҳамкорлик шартномалари ҳам амалда ўз ифодасини топмоқда. Жумладан, «Россотрудничество» (Россия), МДХ давлатлари билан дўстлик федерацияси (Болгария), «Фукусимо – Ўзбекистон» (Япония), «Туркистон – Америка» уюшмаси, «Америка ва Канада бухоролик яхудийлар конгресси», «Япония – Ўзбекистон», «Япония – Евроосиё мамлакатлари», «Тинчлик бонги», «Бонн – Германия» уюшмалари, Латвия ҳамда Хитойнинг хорижий мамлакатлар билан дўстлик жамиятлари ўртасидаги алоқалар самарали кечмоқда. Ушбу йўналишда делегациялар алмашуви доимо йўлга қўйилган бўлиб, учрашувлар, танлов-викториналар, кўргазмалар, конференциялар, семинарлар, бошқа тадбирлар ташкил этиб келинмоқда. Буларнинг натижаси ўлароқ кейинги йилларда Кенгаш томонидан Германия, Болгария, Миср,

Покистон, Греция, Япония, Мўғулистон, Россия, Озарбойжон, Украина, Қозоғистон, Қирғизистон, Буюк Британия давлатларида дўстлик жамиятлари тузилди. Улар айна пайтда ўз жамоатчилигини ўзбек халқининг маданияти, тарихи билан яқиндан таништириш йўлида хизмат қилаётир.

Хориждаги ватандошлар билан ҳамкорлик қилиш ҳам Кенгаш ишида алоҳида ўрин тутади. Бу борада АҚШ, Германия, Хитой, Туркия, Австрия, Саудия Арабистони каби 30 дан ортиқ мамлакатларда истиқомат қилаётган ватандошларнинг жамиятлари билан алоқа йўлга қўйилган.

Кенгаш хорижий мамлакатлар билан тузилган дўстлик жамиятлари раислари, шунингдек, Кенгаш котибияти раҳбаридан иборат таркибда тузилади. Кенгаш аъзоларининг умумий йиғилиши ташкилотнинг олий органи ҳисобланади. Дўстлик жамиятлари раҳбарларидан бири, жамоатчилик асосида, Кенгашнинг раиси этиб 2 йил муддатга сайланади. Кундалик фаолиятни Котибият амалга оширади. Котибият таркибда хориждаги ватандошлар билан алоқалар; Европа ва Америка давлатлари; Осиё, Африка ва Тинч океани минтақаси давлатлари; МДХ давлатлари; ташкилий масалалар ва халқаро ташкилотлар; ахборот ва матбуот бўлимлари бор. Кенгашнинг вилоят бўлимлари мавжуд. Ўзбек, рус, инглиз тилларида чиқадигай «Ўзбекистон» журнали Кенгаш нашри ҳисобланади.

### **Маданиятлараро муштаракликнинг геосиёсий аҳамияти тўғрисида**

Бир ҳудудда истиқомат қилувчи этник гуруҳларда ижтимоий-иқтисодий ва маданий жиҳатдан тобора яқинлашиб бориши туфайли қавм-қариндошлик ришталари чуқурлашади, авлодлар онгида “бир авлоддан тарқалганмиз”, “бир халқмиз” деган тушунчалар қатъийлаша боради. Одамларнинг маълум ҳудудда ўтроқ яшаши “ватан”, “она юрт” тушунчаларининг юзага келиши ва уларда ўзлари яшаётган маконга нисбатан эгалик туйғуси камол топиб, маданий бирликнинг мустаҳкамланишига асос бўлган.

Халқларнинг маданий ҳаёти, турмуш тарзидаги ўзига хосликларнинг шаклланишига этник гуруҳлар яшаётган жўғрофий ҳудуд, табиий иқлим шароитлари каби омиллар катта таъсир кўрсатган ва этномаданий ранг-барангликка замин яратган. Хар бир маданият доирасида яратилган ютуқлар, мавжуд камчиликлар халқаро муносабатларнинг шаклланишига таъсир кўрсатган. Хусусан, турли соҳаларда яратилган янгиликлар, кашфиётлар, меҳнат ва ишлаб чиқариш салоҳиятининг ўсиши - маданиятлараро таъсирланишнинг вужудга келишида муҳим омиллар бўлиб ҳисобланади. Таъкидлаш жоиз, ўзига хос маданий муҳитнинг шаклланиши ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий алоқаларнинг ўрнатилишига кучли туртки бўлган.

Шарқ ва Ғарб халқларининг маданий ҳаётида цивилизациялар ўзига хос тарзда шаклланган. Ғарб мамлакатларининг турмуш тарзида ижтимоий-иқтисодий жараёнларнинг ривож, моддий фаровонликка интилиш устуворлик қилган бўлса, Шарқ халқларида инсон маънавий дунёсининг юксалишига алоҳида эътибор берилган. Геосиёсий муносабатлар тизимида маданий жараёнларнинг ўрни бир қатор жиҳатларга боғлиқ. Булар: **биринчидан**, халқларнинг ижтимоий-маданий турмуш тарзида ўзаро муштарак жиҳатларнинг мавжудлиги; **иккинчидан**, маданий жараёнларнинг кенгайиб ва уларнинг халқаро муносабатлар тизимида таъсири.

Ҳозирги кунда интеграциялашув жараёнининг тезлашиб боришида маданий тасирнинг ўрни ва салоҳияти кучли бўлиб, халқаро муносабатлар тизимида бу ёрқин кўринади. Хусусан, халқларнинг ўзга бир халқ маданий ҳаётига бўлган интилиши ва уларнинг турмуш тарзи, урф-одатлари ва анъаналарини ўзлаштириши мамлакатлар ўртасидаги интеграция жараёнининг ривожига муҳим омилдир. Бу ҳолат турли миллат ва элатлар маданиятларининг ўзаро яқинлашувига шароит яратган. Ички ва ташқи таъсирлар этнослар маданиятининг хусусиятларига таъсир кўрсатиб келган. Маданий жараёнларнинг ўзаро таъсири оқибатида умумий жиҳатларнинг вужудга келиши халқаро

алоқалар ривожига хизмат қилган. Шунга кўра, турли маданиятларда умумий жиҳатлар: турмуш тарзи, анъаналар ва урф-одатлар, кадриятлар ўз аксини топган. Шу боис ҳозирги пайтда турли миллатлар ва элатлар маданиятларида муштараклик мавжуд. Муштараклик, **биринчидан**, халқларнинг қадимдан шаклланиб келаётган улкан ва бой маданий меросининг ҳозирда халқаро майдондаги интеграциялашув жараёнларига таъсир кўрсатмоқда; **иккинчидан**, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан тараққий этган мамлакатларнинг бошқа минтақаларга маданий таъсирининг ортиши ва унинг халқаро муносабатлар тизимидаги салоҳиятининг ошиб боришига замин яратмоқда.

Айтиш мумкинки, этнослар ўртасидаги ўзаро ижтимоий яқинлик - уларнинг маданий ҳаётидаги баъзи жиҳатларнинг уйғунлигини кўрсатади. Муштарак маданий жараёнлар этносларнинг ижтимоий-иқтисодий, моддий ва маънавий эҳтиёжларида ҳам умумий томонлар борлигини белгилайди, яъни турмуш тарзи, урф-одати, тили, диний эътиқоди ва бошқалари шулар жумласига киради. Ўзаро яқинлик давлатларнинг ўз геостратегик манфаатларини қондиришда бир-бирлари билан ҳамкорлик қилиш имкониятларини яратади. Бироқ, таъкидлаш жоизки, геостратегик ҳаракатлар доим ҳам ўзаро тенглик ва ўзаро ҳурмат, адолат тамойилларига асосланмайди. Кўп ҳолларда баъзи давлатлар “динимиз, тарихимиз бир”, “тилимиз яқин” қабилидаги баҳоналар билан ҳамкорликнинг у ёки бу йўналишлари орқасида ўзларининг ғаразли ниятларини турли минтақаларда амалга ошириш ҳаракатида бўладилар. Собиқ СССР ҳудудидаги барча халқлар маданиятини ягона совет маданияти” деган сунъий ғоя остида бирлаштиришга қаратилган сиёсати бунинг ёрқин мисолидир. Айтиш пайтда худди шундай ҳаракатларнинг кўпчилиги иқтисодий, демографик, маданий ва мафкуравий соҳаларда кўплаб содир этилаётгани кўпчиликка маълум.

Ҳар қандай маданиятнинг ривожига учун тил муҳим омил экани ҳаммага маълум. Маданий алоқалар шаклланишининг муҳим шарт сифатида тиллар мамлакатлараро муносабатлар

тизимининг яратилишида аҳамиятлидир. Онг маданиятнинг тил орқали ифода этилган дастурий ифодаси, унинг тасарруфидаги соҳадир. Бу шундай масалаларни майдонга ташлайдики, инсон маълум тилни турли қатламлар ифодалаган маданият орқали ўзаро мулоқотда, эркинлик фаолиятда ўзлаштира олади. Турли ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий жараёнларнинг ўзгариши тилларнинг шаклланишига таъсир кўрсатгани, яъни тил нафақат мулоқот, балки халқларнинг маданий муносабатларини ҳам шакллантириш воситаси экани тарихдан маълум. Шунга кўра, тилнинг маданиятлараро алоқалар қуроли сифатида вужудга келишида қуйидаги хусусиятларни таъкидлаш мумкин:

***Биринчидан,** бирон бир халқ тилининг ўзга халқ тилига айланиб бориши - уларнинг маънавий-маданий ҳаётида муштарак жиҳатларни шакллантиради;*

***Иккинчидан,** ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий интеграциялашув натижасида муайян бир этнос тилининг кенгайиб бориши маданиятлараро алоқаларнинг шаклланишига таъсир кўрсатади.*

Хусусан, ҳозирги пайтда жаҳон тили деб тан олинган инглиз, француз, испан, хитой, рус, араб ва бошқа тиллар интеграциялашувнинг муҳим воситаларидан биридир. Таъкидлаш жоизки, араб тили ўрта асрлардаги энг таракқий этган тиллардан бири бўлиши билан бирга, Ҳиндистондан то Испаниягача бўлган халқларни бирлаштирувчи халқаро муомала тили ҳисобланган. Тил ижтимоий ҳодиса сифатида жамият равнақи билан узвий боғлиқ бўлиб, миллий-маданий эҳтиёжларни қондирадиган воситадир. Миллий онгнинг ривожини, маданий мероснинг тикланиши, жамиятнинг маънавий янгиланиши ва халқаро муносабатларнинг жадаллашувида тил муҳим аҳамиятга эга. Тил муҳим омил сифатида маданий жараёнларнинг яқинлашувига, аниқроғи маданиятлараро алоқаларнинг юзага келиши туфайли геосиёсий муносабатларнинг шаклланишига хизмат қилади.

Геосиёсий муносабатлар тизимининг шаклланишида диний кадрятлар ҳам муҳим аҳамият касб этади. Диний эътиқоддаги умумийлик халқларнинг ижтимоий-маънавий ҳаёти, турмуш

тарзи ва эҳтиёжларидаги муштаракликни юзага келтиради ва халқларнинг турли соҳаларда интеграциялашувига таъсир кўрсатади. Шунга кўра халқларнинг диний эътиқодларидаги умумий жиҳатлар уларнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий интеграциялашувида муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Диний қадриятларнинг минтақалар доирасида кенг тарқалиши халқлар ўртасида маданий умумийликни юзага келтиради. Хусусан, бундай жараёнлар миллоднинг дастлабки мингйиллигида вужудга келган христианлик ва кейинчалик ислом оламидаги маданиятда акс этгани тарихдан маълум. Христианлик Рим империясида эрамининг IV асрларида унинг ғарбий қисми гуллаган пайтга келиб тўла шаклланган черков тизими ва каттик интизомга асосланган давлат дини тарзида қарор топди. Черков таянчи бу пайтда бутун Европа бўйлаб тарқалган герман, славян, турк қабилалари антик цивилизациясини хароб этиб, янги ҳаёт тарзини вужудга келтирди. VI-VII асрларда Шарқда, хусусан Арабистонда янги дунё қарор топа бошлаган эди.

Социолог Э.Гидденс шундай фикрни келтиради: “Этносларнинг ўзига хос маданиятлари бир-биридан жиддий фарқ қилганлиги учун, бир маданият вакилларига бошқа маданиятга қабул қилинган хулқ-атвор ва тасаввур ноқулай туюлиши мумкин. Маданий тафовутлар давлатларнинг ижтимоий-сиёсий муносабатлари ва ташқи алоқаларига таъсир кўрсатади. Чунки мамлакатда истиқомат қилаётган турли миллат вакиллари ўз маданиятларини сақлаб, ривожлантириб борадилар ва улар бунинг учун давлатдан шароит яратиб беришни талаб қиладилар. Демак, маданий ранг-баранглик мавжуд бўлган мамлакатларда сиёсий муносабатлар ҳам ўзига хос тарзда ривожланади.

Ҳозирги кунда интеграциялашув жараёнларининг тезлашуви турли маданиятлар ўртасидаги тафовут ва ўхшашликларнинг янгича кўринишларини намоён этмоқда. Янги мингйилликда замонавий фан соҳаларининг ривожланиши дунёнинг нафақат иқтисодий, балки маданий манзарасини ҳам ўзгартирмоқда. Замонавий фан ва технологияларнинг шиддат билан тараққий этиши жамият маданий ҳаётига ҳам таъсир этмоқда. Бу эса

ҳозирги давр кишисининг дунёқарашида янги маънавият қирраларини юзага келтиради. Хусусан, дунёнинг иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан ривожланган мамлакатларида пайдо бўлаётган “янги” маданият кўринишлари бошқа мамлакатлар халқларининг ҳаётига (кийиниши, турмуш тарзи, дунёқараши) жадаллик билан кириб келмоқда.

Ишлаб чиқариш усуллариининг мукаммаллашуви, янги технологик кашфиётлар, ихтироларнинг яратилиши ва саноатнинг такомиллашуви жамият тараққиётини белгилаш билан бирга, унинг маданий ҳаётига ҳам таъсир кўрсатиб боради. Маданий жараёнлар жамиятнинг турли хил соҳаларидаги ўзгаришларга мослашади ва кишиларнинг турмуш тарзида ўзига хосликларни вужудга келтиради. Албатта, баъзи бир ижтимоий гуруҳлар ҳаётидаги ана шундай ўзгаришлар бошқа халқ билан таъсирланиш жараёнларини содир этади ва халқаро алоқалар тизимида ўз аксини кўрсатади. Бу, ўз навбатида, геосиёсий муносабатларнинг ривожиди ҳам ўз ифодасини топади. Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, бугунги интеграция жараёнларининг жадаллашуви миллий-маданий муносабатлар тизимида ҳам ўзига хос кўринишни ифода этиб, мамлакат геосиёсатининг юксалишида катта аҳамият касб этади.

**2010 йил – Маданиятларнинг яқинлашуви йили муносабати  
билан ўтказиладиган тадбирлар методикаси**

**“Олтин кўприк” номли китоб кўргазмаси**

**1. Ҳазина**

Мазкур бўлимга маданият масалаларини ёритиб берадиган ўқув қўлланма, монографиялар қўйилади.

**2. Истеъдод жилolari**

Ушбу бўлимга узоқ ва яқин хориж мамлакатлари ёзувчиларининг асарлари жойлаштирилади.

### **“Маданият” номли викторина**

Ушбу викторинада бошловчи, 8 кишидан иборат 2 та жамоа иштирок этади. 5 кишилик ҳакамлар ҳайъати жавобларни баҳолайдилар. Тўғри топилган жавобларга 5 балл қўйилади.

Ўйин 16 савол ва 2 та амалий шартдан иборат бўлади. Саволларга жавоб топиш учун 2 дақиқа вақт берилади.

Амалий шартнинг биринчисида бирор миллатнинг таоми тайёрланади. Иккинчи шартда эса миллий (испанча, япон ва ҳ.к.) рақс ижро этилади.

Қайси жамоа ўйинни биринчи бўлиб бошлаши қуръа ташлаш йўли билан аниқланади.

Ўйинни бошлаб берган жамоа таблодаги рақамлардан бирини танлайди. Бошловчи ўша рақамдаги саволни ўқийди. Жавобни топган жамоа қўнғироқни чалиб ўз жавоб вариантини айтади. Агар берилган жавоб нотўғри бўлса, жавоб бериш ҳуқуқи иккинчи жамоага берилади.

### **Викторина саволлари**

1. Маданий мерос деганда нимани тушунасиш?

Маданий мерос, бу - ўтмишдан қолган қадриятлар, ғоялар, тажриба, билимлар, уларни ўзлаштириш йўллари, яъни кишиларнинг ижодий фаолият усуллари ва уларни ташкил қилиш натижаларидир.

2. ЮНЕСКО қандай ташкилот?

БМТнинг маориф, фан ва маданият масалалари билан шуғулланувчи ташкилоти.

3. Архаик маданият деганда нимани тушунасиш?

Архаик ёки ибтидоий маданият - инсоният маданиятининг ибтидоси ва энг узок давом этган давридир. Бу давр инсоният тарихи умумий қўламининг 99 фоизини ташкил қилган ҳолда, замонавий маданиятга бекиёс таъсирини кўрсатиб келмоқда. Ўша вақтда вужудга келган архаик маданиятнинг айрим кўринишлари бўлмиш фикрлаш тарзи, феъл-атвор, ҳозирга қадар йўқолган эмас.

4. Республикамизда нечта миллий-маданий марказлар фаолият юритади?

140 дан ортик.

5. Амалий шарт(1)

6. Марказий Осиёдаги халқлар Миллий маданий уйғонишини неча даврга бўлиш мумкин?

1. IX-XII асрлар - араб босқинидан кейинги давр.

2. XIV-XV асрлар - мўғул истилосидан кейинги давр.

3. XX аср боши ва ҳозирги давр колониал босқин ва совет давридан кейинги сиёсий, миллий, маданий Уйғониш.

7. Маънавий маданият нима?

Маънавий маданият кишилар маънавий ижодкорлиги фаолиятлари натижалари - тасаввурлар, ғоялар, илмий билимлар, диний қарашлар, санъат соҳалари, ахлоқий ва ҳуқуқий меъёрларни ишлаб чиқаришдан ҳосил бўлади. Бундай маънавий кадриятлар ўзича пайдо бўлмайди, балки муайян тараққиёт босқичида ўзаро муносабатга кирадиган кишилар томонидан яратилади.

8. Сиёсий маданият нима?

Сиёсий маданият - кишиларнинг сиёсий онги, манфаатлари, эътиқодлари, мақсадларини ифодаловчи сиёсий-ҳуқуқий ғоялар мужмуи бўлиб, маънавий кадриятларнинг махсус тизимини ташкил қилади. Бу маданият тарихий тараққиёт босқичларида жамиятнинг ижтимоий табақалари манфаатлар билан боғлиқ ҳолда вужудга келиб, жамият сиёсий фаолиятига узвий боғлиқ.

9. Ахлоқий маданият нима?

Ахлоқий маданият жамият, социум, индивидлар томонидан ахлоқий камолот меъёрларига эришиш даражасидир. Кундалик турмушда, кишилар фаолиятида амал қиладиган ва ўзлаштириладиган ахлоқий кадриятлар ахлоқий камолот меъёрлари билан боғлиқдир. Ахлоқий маданият таркибига ахлоқий онг, ахлоқий муносабат ва ахлоқий фаолият киради.

10. Амалий шарт (2)

11. Иқтисодий маданият нима?

Иқтисодий маданият тушунчасида иқтисодий билимлар ва фикрлар услуби билан фаол ишлаб чиқариш, иқтисодий фаолият ўртасида ўзаро алоқадорлик омиллари намоён бўлади.

## 12. Эстетик маданият нима?

Эстетик маданият инсоннинг маънавий-ҳиссий фаолияти билан боғланган муносабат ва қадриятлар тизимини ифодалайди. Эстетик маданият соҳаси инсоннинг теварак-атрофини ўраб олган воқеликка нисбатан бўладиган муносабатида ўзини эркин намоён этишдир. Бу эркинликнинг моҳияти шундаки, инсон предметга, унинг жинси ва турига мос меъёрни топиб гавдалантиради, уни қайта ишлайди.

## 13. Моддий маданият таркибига нималар киради?

Моддий маданиятга - меҳнат маданияти, ишлаб чиқариш маданияти, турмуш маданияти, экологик маданиятлар киради.

## 14. Оммавий маданият нима?

Оммавий маданият - XX аср ўрталарида оммавий мулоқот ва ахборот воситаларининг жамият ҳаётига чуқур кириб бориши ва барча ижтимоий гуруҳлар учун етарли бўлиши натижасида шаклланган ва моҳиятан барча ёшдаги аҳоли учун тушунарли бўлган маданият намуналари (оммавий эстрада мусиқаси, цирк ва ҳ.к.). Оммавий маданият одатда киборлар ёки халқ маданиятига нисбатан камроқ бадиий қадрга эга ва у оммавий истеъмолга мўлжаллаб маданият қадриятларни ишлаб чиқишни ифодалайди ҳамда у индустриал жамиятларга хосдир.

## 15. Аксил маданият тушунчасига изоҳ беринг?

Гуруҳ ҳаётида қабул қилинадиган ва ҳукмрон маданият намуналарига мос тушмайдиган маданий намуналар мажмуи.

## 16. Аккультурация.

(ингл. acculturation - ташкил бўлиш, ривожланиш) - турли маданиятларнинг ўзаро ҳамкорлик жараёни, шунингдек бирор бир маданиятнинг бошқа маданий ҳодисалар элементларини қабул қилишидан иборат таъсир натижаси.

## 17. Субмаданият.

(лот. sub. - атрофида, остида ва маданият) - ҳар бир ижтимоий гуруҳ ва авлодга хос бўлган, жамиятдаги ҳукмрон маданиятдан фарқланувчи маданий олам. Масалан, ёшлар субмаданияти, миллий гуруҳлар, қариялар, жинсий гуруҳлар субмаданиятлари ва ҳ.к. Субмаданият ҳукмрон маданиятдан

тили, кийиниши, одатлари ва бошқа жиҳатлари билан фарқланади.

18. Халқ маданияти.

Махсус тайёргарлиги бўлмаган шахслар томонидан бунёд бўлган маданият. Халқ ижодининг муаллифлари одатда номаълумдир. Жумладан афсоналар, эртақлар, дostonлар, халқ ўйинлари, куй-қўшиқлари ва бошқалар. Ижросига кўра халқ маданияти элементлари якка (бахшилар) гуруҳий (қўшиқ ёки ўйин ижроси) ёки оммавий (сайллар, халқ байрамлари) кўринишига эга бўлиши мумкин.

### **“Бир сайёра фарзандларимиз” мавзуида бадий кеча**

Ушбу кечада халқаро ташкилот, элчихона ва миллий-маданий марказ (рус, украин, корейс ёки бошқа миллат бўлиши мумкин) вакиллари таклиф этилади. Улар ўзбек ва ... халқлари маданиятларининг яқинлашувига қўшаётган ҳиссалари ҳақида сўзлаб берадилар.

Бошловчи ташкил этилган кечанинг мазмун моҳияти ҳақида сўзлайди ва биринчи иштирокчига сўз беради. Шу тартибда барча иштирокчилар тингланади.

Кечада миллий қўшиқ ижро этилади ҳамда қисқа метражли бадий фильм (таклиф этилган миллатнинг) намоиш этилади.

Шунингдек кечада китоб кўргазмасининг тақдими ўтказилади. Кўргазманинг бўлимларида ўзбек ва ... халқларининг маданият соҳасига таълуқли ҳужжатлар жойлаштирилади.

#### **Кечанинг режаси:**

1. Халқаро ташкилот, элчихона ва миллий-маданий марказлар вакилларининг чиқиши.

2. Миллий қўшиқ ижроси.

3. “Бир сайёра фарзандларимиз” номли китоб кўргазмасининг тақдими.

4. Кинофильм намоиши (таржимада).

5. Кечанинг ёпилиши.

**Кутубхоналар, ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс  
марказларида ўтказиш мумкин бўлган тадбирлар  
туркуми**

Т/р	Тадбирнинг мавзуси ва шакли	Қатнашувчилар
1	“Адабиёт–абдий” <i>Узоқ ва яқин хориж мамлакатлари адабиёт намоёндаларининг китоб кўргазмалари, библиографик шарҳлар( йил давомида)</i>	Миллий маданий марказ вакиллари, кенг китобхонлар оммаси
2	“Миллий китоб ҳафталиги” <i>Марказий Осиё халқларининг китоб кўргазмалари</i>	Халқаро ташкилотлар, элчихона вакиллари,
3	“Шеърят чегарасиз уфқ” <i>Узоқ ва яқин хориж мамлакатлари шоирларининг ижодига бағишланган шеърят кечалари</i>	Кенг китобхонлар оммаси
4	“ Бир сайёра фарзандларимиз” <i>Бадий кеча</i>	Миллий маданий марказ вакиллари, кенг китобхонлар оммаси
5	“Адабиёт – чегарасиз уфқ” <i>давра суҳбати</i>	Талабалар, юқори синф ўқувчилари, адабиётшунослар, ёзувчи ва шоирлар

6	“Чет эл ёзувчиларининг асарлари ўзбек тилида: муаммо ва ютуқлар” <i>Семинар</i>	Адабиётшунослар, тарижимашунослар, ёзувчи ва шоирлар, нашриёт ходимлари
---	--	--

## Адабиётлар

“Шарқ тароналари” халқаро мусиқа фестивалини ўтказиш тўғрисида ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг қарори //Халқ сўзи.-1997.-12 март.

\* \* \*

Абдухолиқов, С. Маданият тарихи ва унинг асосий масаласи: Монография . – Т. : Фан, 1992. - 24 б.

Адайкина Э.С. Тошкент – Сизтл: Альбом/ Тузувчи Н.К. Мусина.-Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти,1990.-152 б.

Бозоров С. Маданият тушунчасини шакллантиришнинг долзарб масалалари : Монография. - Қарши : Насаф, 2003. - 40 б.

Жабборов И. Антик маданият ва маънавий хазинаси: Тарихий-этнографик лавҳалар: Ўқув қўлланма / И. Жабборов. – Т. : Ўзбекистон, 1999. - 222 б.

Жабборов И. Ўзбеклар: турмуш тарзи ва маданияти: Этнотарихий лавҳалар / ЎзР Олий ва ўрта таълим вазирлиги; Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий ун-ти; Ўзбекистон Тарихи давлат музейи. – Т. : Ўқитувчи, 2003. - 208 б.

Маданиятшунослик: Маъруза матни / Э.Гулметов, Т.Қобилжонова, Ш.Эрназаров, А.Маврулов ; ЎзР Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўқув дастурлари, дарсликлар ва ўқув қўлланмаларни қайта кўриб чиқиш ва янгитдан яратиш бўйича Республика мувофиқлаштириш комиссияси. - Т., 2000. - 179 б.

Миллатлараро муносабатлар маданияти ва байналмилал дунёқараш: Ўқув қўлланма / Масъул муҳаррир К.Норматов. – Т.: Ўқитувчи, 1992. - 135 б.

Сулаймонова Ф. Шарқ ва ғарб: Қадимий ва ўрта асрлар маданий алоқалари/ ЎзРФА, Сулаймонов номидаги қўлёзмалар ин-ти, Алишер Навоий номидаги адабиёт музейи.-Т.: Ўзбекистон, 1997.-415 б.

Усмонов М. Маданият ва ахлоқ: Монография / Масъул муҳаррир М.Хайруллаев . – Т. : Фан, 1986. - 108 б.

Холбеков А., Идиров У. Социология: Изоҳли луғат-маълумотнома /Масъул муҳаррир М.Бекмуродов. -Т.: Ибн Сино нашр., 1999.-167 б.

Шермухамедов С. Ижтимоий тараққиётда миллатлараро алоқа маданиятнинг аҳамияти : Монография Т.: Маънавият, 1998. - 30 б.

Шораҳмедов Д. Маданият //Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 5-жилд, Конимех-Мирзокуш /Таҳрир ҳайъати: М.Аминов, Т.Даминов, Т. Долимов ва бошқ.-Т.: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2003.-Б. 372-373.

Юнеско //Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 10-жилд. Шарқ-Қизилқум/ Таҳрир ҳайъати: А. Азизхўжаев, Б. Алимов, М. Аминов ва бошқ.- Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2005.-Б. 318-319.

Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари Кенгаши //Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 10-жилд, Шарқ-Қизилқум /Таҳрир ҳайъати:А.Азизхўжаев, Б.Алимов, М.Аминов ва бошқ.- Т.:Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2005.-Б.412-413.

\* \* \*

Абдухолиқов С, Жамият тараққиётининг бош мезони //Тафаккур.-1998.-№4.-Б.86-88.

Алимасов В. Маданият меркетинги нима? Ҳозирги давр ва маънавият //Иқтисод ва ҳисобот.-1998.-№7.-Б.56-57.

Али Муҳаммад. Маданият нима? //Туркистон.- 2003.-26 апр.

Назар Нора. Фонд Форум: 2007 йил якунлари //Jannat Ma'kon.-2008.-№ 2.- Б. 40-43.

Жумаев О. Маданиятлараро мушатаракликнинг геосийосий аҳамияти тўғрисида //Фалсафа ва ҳуқуқ.-2009.-Махсус сон.-Б.14-16.

Иванова Л. Тинчлик ва миллатлараро тотувлик - бебаҳо бойлигимиз //Ўзбекистон овози.-2007.-18 янв.

Муҳаммадиев Н. Дўстликнинг мустаҳкам қасри //Жамият.-2007.-19 янв.

Тошкентда Россия фани ва маданияти маркази //Тошкент оқшоми.-2005.-19 окт.

Умиров Ш. Ўзбекистон “Толеранц” халқаро фестивалида // Тошкент оқшоми.-2009.-23 сент.

Фахрутдинова Ф. Буфалло - Ҳиндулар вакили //Ўзбекистон адабиёти ва санъати.-2009.-30 окт.

Ширинова И. XIX аср охири XX аср бошларида эски Тошкент [Европа маданиятининг салбий таъсири ҳақида] //Жамият ва бошқарув.-2002.-№2.-Б.39-40.

Қорабоев У. Маданият келажаги ёки XXI аср маданияти ҳақида илмий фаразлар //Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари.-2002.-№2.-Б.106-110.

Ғаффоров А. Миллатлараро тотувлик: азалий, абадий //Адолат.-2007.-19 янв.

\* \* \*

Национальные культурные центры республики Узбекистан и библиотек: Справочно-методическое пособие/ Нац. б-ка РУз им. Алишера Навои; Составитель Е.Корниенко; Редакторы: Г.Берман, Т.Егорова. -Т., 2002.-18с.